



ИСЛУМ
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

al-Ishraq (549/1155-587/1191) at 'Ayn al-Quzāt-i Hamadhānī (492/1098-525/1131)». Iranian Civilization and Culture (ed. C.J. Adams). – Montreal: 1972. 23-37.; Н.Т. Norris. «A.J. Arbery (tr.): A Sufi martyr: the apologia of 'Ain al-Quḍāt al-Hamadhānī». BSOAS. XXXIII (1970), 391-394; Süleyman Uludağ, Nurettin Bayburtlugil. «Aynülkudāt el-Hemedānī». TDV İA. – İstanbul: 1991. IV, 280-282; Hamid Dabashi. «Theology of discontent». Published by Transaction Publishers. 2006. 104.

Лобар Асорова

АЙН ул-ҲАЁТ

عين الحياة

«Ҳаёт булоғи» деган маънони англади.

I. Алишер Навоийнинг форсий қасидалари жамланган «Ситтаи зарурийя» («Олти зарурат») мажмуасига кирган иккинчи қасида. Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да «А.ул-Ҳ.» хусусида шундай ёзади: «Яна «Айн ул-ҳаёт» қасидаси зулолин еткурубменки, ғафлат аҳлининг ўлук бандаларига жон киюрубмен». «А.ул-Ҳ.» туркумдаги иккинчи қасида (биринчи қасида – Аллоҳнинг ҳамди) бўлгани учун Пайғамбар (с.а.в.) наъти сифатида ҳам қабул қилинади. Қўлёзма сарлавҳасида бунга ишора бор: «Қасидаи Айн ул-ҳаёт дар наъти Расул алайҳи-с-салавот». «А.ул-Ҳ.» қасидаси 106 байтдан иборат.

II. Шайх Нажмуддин Кубронинг Куръон тафсирига бағишланган асарининг бир қисми ҳам шу ном б-н юритилган.

Ад.: Алишер Навоий. *Муҳокамат ул-луғатайн*. МАТ. – Т.: «Фан», 2001; С.Ғаниева. *Навоий ёдга олган асарлар*. – Т.: 2004. 5; Ҳ.Болтабоев. *Адабиёт энциклопедияси*. – Т.: «Мумтоз сўз», 2015. 272-273.

Ҳамидулла Болтабоев


АЙСЕКО

إيسيسكو

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти

Сенегал пойтахти Дакар ш.да ИХТ (Ислом ҳамкорлик ташкилоти) Ташқи

ишлар вазирларининг IX Халқаро Ислом конференцияси бўлиб ўтган. Ушбу конференцияда асосий муҳокама Ислом таълимига бағишланган. Бунинг натижаси ўлароқ 1979 й. 8-12 май кунлари Марокашнинг Фос ш.да ИХТ Ташқи ишлар вазирларининг X Халқаро Ислом конференциясида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти – ICESCO ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Рабат ш.да жойлашган.



1980 й. 17-22 май кунлари Покистон Ислом Республикаси пойтахти Ислом-обод ш.да Ташқи ишлар вазирларининг XI Халқаро Ислом конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда ИХТ қошида таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти – А.ни ташкил этиш масаласи тавсия сифатида киритилди. Ташкилотнинг таъсис мажлиси 1982 й. 3-5 май кунлари Марокаш қироллигининг Фос ш.да бўлиб ўтди. Таъсис мажлисида 28 та аъзо давлат, Халқаро Ислом ташкилотлари ва муассасалари делегациялари иштирок этдилар. Ташкилотнинг Бош директори этиб проф. Абдулҳодий Абу Толиб тайинланди ва



Работ ш.даги
ICESCO бош
қароргоҳи

Низоми ишлаб чиқилди. Ушбу низоми 4 боб, 22 моддадан иборат.

2020 й.нинг 29 январь куни БААнинг Абу Даби ш.да Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ICESCO) Ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор муҳим масалалар қатори ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва номини шунга мувофиқ равишда янгилаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Мазкур анжуманда ташкилот ўз номини «Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти – ICESCO»га ўзгартиргани тўғрисида қарор қабул қилинди.

Эндиликда ташкилот номи инглиз тилида Islamic Countries Educational, Scientific and Cultural Organisation (ICESCO) деб юритилмоқда. Араб тилида منظمة العالم الإسلامي للتربية والعلوم والثقافة номини олди.

Ташкилотнинг уч асосий органи мавжуд: Бош кенгаш, Ижроия кенгаши, Бош директорат. **Бош кенгаш** – ташкилотнинг энг олий органи ҳисобланади. Таълим, фан, маданият ва коммуникация бўйича вазирларнинг таркибидан иборат. Умумий кенгаш йиғилиши ҳар уч йилда бир мартаба мажлис ўтказилади. **Ижроия кенгаши** – ҳар бир аъзо давлатдан бир вакил Ижроия кенга-

шига аъзо бўлади. Аъзо давлат тавсия этган вакил Кенгаш б-н боғлиқ бўлган вазифаларни бажариш учун зарурий тажриба ва кўникмага эга бўлиши керак, аъзо давлат ҳар қандай вақтда ўз вакилини ўзгартириши мумкин. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби ёки унинг вакили, А. Бош директор, унинг вакили, Умумий кенгаш раҳбари, Ижроия кенгашининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. **Бош директорат** – ташкилотнинг доимий қароргоҳида ва минтақавий идораларда ишлайдиган А. Бош директор ва расмий ходимлардан иборат. Бош директорликка Умумий кенгаш йиғилиши томонидан 3 йилга сайланган Бош директор раҳбарлик қилади ва Умумий кенгаш йиғилиши ва Ижроия кенгашига ҳисобот беради. У Бош конференция танлови асосида сайланади. Бош директор турли сабабларга кўра лавозимдан кетса, 6 ой ичида Бош конференция томонидан янги раҳбар сайлангунга қадар унинг вазифалари ўринбосарига юкланади.

А. қамрови кенг нуфузли халқаро Ислом ташкилоти бўлиб, Осиё ва Африка минтақаларида жойлашган ИХТга аъзо 57 давлатдан 54 таси аъзо ва 3 та давлат кузатувчидир. Ушбу ташкилотнинг

ташқил этилишидан мақсад мусулмон дунёсига соф Исломни тарғиб этиш, аъзо давлатлар ўртасида таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳаларида ҳамкорликни мустақкамлашдир. ИХТнинг ҳар бир аъзоси ташкилот аъзоси бўлиши учун Низомни расман тасдиқлаб, ташкилот Бош директорини хабардор қилгандан сўнг аъзоликка қабул қилинади. ИХТнинг тўлиқ аъзоси ёки кузатувчи бўлмаган давлат ташкилот аъзоси бўла олмайди. Бугунги кунда ташкилот Бош директорини Д-р Солим Муҳаммад ал-Малик ҳисобланади.

А. Низомининг 6-моддасига мувофиқ, ИХТга аъзо бўлган ҳар бир давлат Низомни расмий имзолагандан кейин юридик ва ҳуқуқий тартиб-таомилларни бажариб Бош дирекцияни ёзма шаклда хабардор қилгач, ташкилот аъзосига айланади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси томонидан 2017 й. 26 авгда имзоланган. Унинг ратификация қилинган Тошкент ислом ун-ти (ҳоз. *Ўзбекистон халқаро ислом академияси*) қошидаги ICESCO махсус кафедрасининг тўлиқ фаолиятини таъминлашга йўл очди. Мазкур кафедра ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтказилган 43-сессиясида Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси б-н ташқил этилган. Бу ташаббус мазкур кенгашининг навбатдаги сессиясида қўллаб-қувватланган. *Ўзбекистон халқаро ислом академияси* ректори А. Ижроия қўмитасида Ўзбекистон вакили ҳисобланади.

Ад.: ICESCO. Guide to ICESCO. – Rabat-Kingdom of Morocco: 2017; Абдулазиз бин Усмон Туважурий. *ал-Жалийāt ва-л-муассасāt ал-исламиййа ва давруҳа фӣ ибрās сӯрати-л-ислам*. – Работ: 2015; Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Туркистон газетаси (Окт. сони). 2016; <http://www.icesco.org.ma>.

Жасурбек Абдуқодиров,
Жонибек Довуров

АЙШОН

عِشَان

Жой номи

Айшон – Бухоро вилоятидаги қадимий қишлоқлардан бири. Мазкур жой ҳақида Ўрта аср тарихчиларидан фақат Ёқут ал-Ҳамавий маълумот берган. Қишлоққа мансуб кишиларга ал-Айшоний нисбаси берилган бўлиб, Иброҳим ибн Аҳмад ал-Айшоний шу ердан етишиб чиққан илм аҳлларидадир.

Ад.: Ёқут. *Муъжам*. VI, 247.

Аҳмаджон Бобоҷонов

АЙЮБ (а.с.)

أَيُّوب عَلَيْهِ السَّلَام

Қуръони Каримда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири

Қуръони Каримда Айюб (а.с.)нинг номлари «Нисо», «Анғом», «Анбиё» ва «Сод» сураларида, жами 4 марта зикр этилган:

إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّينَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَوْحَيْنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَعِيسَى وَأَيُّوبَ وَيُونُسَ وَهَارُونَ وَسُلَيْمَانَ وَأْتَيْنَا دَاوُدَ رِبُورًا

«(Эй Муҳаммад!) албатта, Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби Сизга ҳам ваҳий юбордик. Шунингдек, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди, Исо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ҳам ваҳий юборганимиз. Довудга эса Забур (китобини) бердик» («Нисо» сураси, 163-оят).

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا مِنْ قَبْلُ وَمِنْ ذُرِّيَّتِهِ دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَى وَهَارُونَ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ

«Унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд,